O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 25 январь, шанба • №8 (11.499) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

*Хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида:*

1. Хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида, корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш **мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор ўзгартиришларининг ғоят муҳим устувор йўналишлари** деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда "Хусусий корхона тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига тақдим этсин, унда хусусий корхоналарни ташкил қилиш ҳамда унинг фаолияти тартиби, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликнинг устувор даражада ўсишини рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ва преференциялар тизими кўзда тутилсин.

2. Акциядорлик жамиятларининг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблансин ҳамда уни асосан хусусий мулк

**(Давоми 2-бетда).**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 январь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Элизабет Жонсни қабул қилди.*

— Биз Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни юксак қадрлаймиз, — деди мамлакатмиз раҳбари. — Бунга асосли сабаблар бор. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида деярли барча соҳада ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, икки томонлама самарали ҳамкорлик анча узоқ тарихга эга бўлса-да, алоқаларимиз дунёдаги сиёсий вазиятга кескин ўзгартиришлар киритган 11 сентябрь фожеасидан кейин янги маъно касб этмоқда. АҚШ раҳбарлигида халқаро коалиция террорчиликка қарши кураш бошлагач, Ўзбекистон уни фаол қўллаб-қувватлади.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил март ойида АҚШга буюрган расмий ташрифи чоғида эса Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация имзоланди. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Ҳозирга қадар юртимизга АҚШдан кўплаб расмий делегациялар, жумладан, давлат котиби Колин Пауэлл, мудофаа вазири Доналд Рамсфелд, сенатор ва конгрессменлар ва бошқа юқори мартабали арбоблар келди. Бу ташрифлар Ўзбекистон-АҚШ муносабатларининг янада кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

Хусусан, АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Элизабет Жонс бир йил муқаддам ҳам мамлакатимизга келган эди. Ўшанда соғлиқни сақлаш, сув таъминоти, молия, инсон ҳуқуқлари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича музокаралар бўлиб ўтганди. Э. Жонснинг бу галги ташрифини ушбу мулоқотларнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш жараёни, халқаро майдондаги вазият ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

*(ЎзА).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Испания Қироли Хуан Карлос Биринчининг таклифига биноан 2003 йил 27-29 январь кунлари давлат ташрифи билан Испания Қироллигида бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболдаги тараққиёти, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

## АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

*Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Элизабет Жонс раҳбарлигидаги делегация вакиллари 24 январ куни қатор вазирлик ва идораларда учрашувлар ўтказди.*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов билан суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан мулоқот чоғида эса Ўзбекистон-АҚШ муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Музокарада, шунингдек, минтақавий масалалар ҳамда халқаро майдонда юзага келган вазият юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов ҳамда ички ишлар вазири Зокиржон Алматов билан ҳам музокара ўтказди.

*ЎзА.*

Ташриф арафасида

## ҚИТЪАЛАР ТУТАШГАН МАМЛАКАТ

*Христофор Колумб, Руи Гонсалес де Клавихо, Мигел Сервантес... Бундай тарихий шахслар ҳақида эшитишимиз билан кўз олдимизга Испания келиши табиий.*

Дунёдаги энг йирик 50 мамлакатдан бири бўлган Испания қироллиги нафақат Европа ва Африка қитъалари туташадиган ҳудудда, балки уларни Америка билан боғловчи сув ҳамда ҳаво йўллари кесишган нуқтада ҳам жойлашган. Бу жуғрофий қулайлик бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта имконият яратади. Айниқса, бевосита денгизга чиқолмайдиган мамлакатлар учун Испания портларидан фойдаланиш уммон ортига юк ташиш ва келтиришни осонлаштириши, йўл ҳақини арзонлаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Пиреней яриморолининг 85 фоиз ҳудудини эгаллаган Испания шимолдан Франция ва Андорра, ғарбдан эса Португалия билан чегарадош. Унинг қирғоқларини Атлантика океани, Ўртаер денгизи ҳамда Гибралтар бўғози суви ювиб туради. Мамлакатда 43 миллиондан зиёд одам яшайди. Уларнинг деярли 76 фоизи Мадрид, Барселона,

**(Давоми 3-бетда).**

## «НАВРЎЗ» ШУКУҲИ

*«Наврўз» халқимизнинг энг қадимий ва миллий байрами. Шунинг учун у мамлакатимизда ҳар йили умумхалқ айёми сифатида кенг нишонланади. Байрамга тайёргарлик кўриш, уни ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтказиш ҳам анъанага айланган.*

Вилоятимизда 2003 йил — Наврўзига тайёргарлик бошланганига анча бўлди. Вилоят ҳокимининг қарорига кўра, умумхалқ байрамига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси ўз фаолиятини қизғин олиб бормоқда.

Наврўз муносабати билан белгиланган тадбирлар жуда кенг ва ранг-баранг. Аввало, Наврўзнинг миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизни қадрлаш, тиклаш билан бир қаторда дўстлик, биродарлик, якдиллик, меҳр-оқибат фазилатларини шакллантиришдаги аҳамияти алоҳида, албатта. Шу нуқтаи назардан ушбу байрамни вилоятимиздаги барча миллат ва элат вакилларининг кенг нишонлашлари учун имкониятлар яратилади. «Наврўз» муносабати билан шаҳар ва туманларимизда ўтказиладиган тозалик ва ободонлаштириш икки ойлиги «Обод маҳалла йили» тадбирларига уланиб кетади.



Наврўзни меҳр-саховат байрами деймиз. Маҳаллий ҳокимликлар, «Нуроний», «Маҳалла», «Экосан», «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос» жамғармаларининг вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Қизил ярим ой» ҳамда «Ногиронлар» жамиятлари ҳамкорлигида уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, қаровчисиз қолган оилаларга кўрсатиладиган моддий ёрдамлар ана шундан далолат, албатта.

Юқорида таъкидлаганимиздек, байрам тадбирларининг кўлами кенг. Айём арафасида жойларда ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат ва истеъмол моллари савдо ярмаркалари, катта концерт дастурлари ҳам ундан ўрин олган.

Шундай қилиб, вилоятимизда Наврўз шукуҳи кеза бошлади.

***Ўз мухбиримиз.***

## МЕЗБОН ҲАМ, ҒОЛИБ ҲАМ УЛАР



*Тошкент Давлат аграр университетида талабаларнинг «Қувноқлар ва зукколар» телетанлови ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзтелерадиокомпания ва Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу кўрик-танловда ТошДАУ нинг «Янги юлдузлар» ва Тошкент Фармацевтика институтининг «Фармед» жамоалари ўзаро билим ва маҳоратларини синашди.*

Театрлаштирилган саҳна томошалари, сатирик ҳикоя, ҳазил ва юмордан фойдаланган ҳолда талабалар ҳаётида учраб турувчи ҳодисалар ёритилди. Иштирокчилар танқид остига олган порахўр домланинг образи ва фоҳишалик кўчасига кириб қолган қизлар ҳақидаги саҳна кўринишлари томошабинлар томонидан, айниқса яхши кутиб олинди. Мезбон сифатида Тошкент вилояти ва мазкур ўқув юрти тадбирнинг ташкилий масалаларини юксак савияда тайёрлаганликларини таъкидлаб ўтиш керак.

Вилоятимизнинг «Янги юлдузлар» жамоаси 112 балл тўплаб, танловда ғолиб чиқди.

***Хуршида НАЗАРОВА,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

сифатида сотиш амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

2003-2004 йилларда устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан камроқ бўлган хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг давлат пакетларини фонд бозорида босқичма-босқич сотсин;

икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда 2003-2005 йилларга мўлжалланган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

2003 йилнинг 1 февралидан бошлаб очиқ акциядорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият рўйхатга олинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50000 АҚШ долларига эквивалент суммани ташкил этади;

очиқ акциядорлик жамиятлари 2004 йилнинг 1 январига қадар ўзларининг устав жамғармаларини юқорида кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган суммага етказишлари шарт, акс ҳолда улар белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга, асосан хусусий корхоналарга айлантирилади;

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг сони 50 та юридик ва жисмоний шахслардан ошиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 декабрдаги Ф-1680-сон Фармойиши билан тузилган хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Р.Азимов) Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулки қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда устав жамғармасини белгиланган миқдорда шакллантира олмаган акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш борасида мазкур бандда кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига ушбу муддатни узайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштириш жараёнида иштирокини янада рағбатлантириш мақсадида жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар негизида барпо этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг акциялари (улушлари) бўйича дивидендлар ҳолида олган даромадлари беш йил муддатга солиқдан озод қилинсин.

5. Кузатувчи кенгаш қарорини давлатга тегишли акциялар пакетининг ишончли бошқарувчиси ёки давлатнинг ишончли вакили розилигисиз қабул қилиш мумкин бўлмайдиган;

давлатнинг ишончли вакили акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган;

акцияларнинг давлат пакетларини хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармасига ишончли бошқариш ҳуқуқи билан топширишга йўл қўйиладиган тартиб бекор қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, тегишли тармоқларда ягона техникавий сиёсатни амалга ошириш уюшмалар, компаниялар, корпорациялар ва концернларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади ҳамда улар ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар.

7. Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг Комплекслари билан биргаликда 2003 йилнинг биринчи ярмида устав жамғармалари тегишли тармоқлар корхоналарининг давлат активлари ҳисобига тузилган хўжалик бирлашмаларининг фаолиятини чуқур ўргансин.

Ўтказилган таҳлил натижалари бўйича қуйидагиларни кўзда тутувчи таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

уюшмалар, холдинглар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларининг ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлаш;

корхоналарни хом-ашё ва товар-моддий ресурслар билан таъминлашнинг бозор механизмларини тўла миқёсда жорий этиш, уларнинг уюшмалар, компаниялар, корпорациялар, концернлар ва бошқа хўжалик бирлашмалари орқали тақсимланишига йўл қўймаслик;

2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарув компанияларининг ишончли бошқарувига босқичма-босқич топшириш.

8. Акциядорлик жамиятлари ижрочи органларининг, аввало директорлар корпусининг акциядорлар олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

директорни (бошқарув раисини) тайинлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида, асосан танлов йўли билан қабул қилинади;

директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномаси бир йил муддатга тузилади ва ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилиши, айрим ҳолларда эса кузатувчи кенгаш томонидан ана шу муддатни узайтириш ёки тўхтатиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиб турилади;

ижрочи орган томонидан келгуси йилга ишлаб чиқиладиган корхона бизнес-режаси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки унинг топшириғи бўйича кузатувчи кенгаш томонидан тасдиқланиши лозим. Ишлаб чиқаришни ўстириш, фойда олишни кўпайтириш ва дивидендларни тўлаш ана шу бизнес-режанинг энг муҳим кўрсаткичлари бўлиши керак;

директор (акциядорлик жамиятининг ижрочи органи) йиллик бизнес-режа қандай бажарилаётгани тўғрисида ҳар чоракда кузатувчи кенгаш олдида ҳисобот беради. Кузатувчи кенгаш йиллик бизнес-режа қўпол равишда бузилган ёки унинг тасдиқланган параметрларини бажариш барбод этилган ҳолларда директор (бошқарув раиси) билан ишга ёллаш шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш ҳуқуқига эга;

ижрочи директорларни ва кузатувчи кенгаш раисларини моддий рағбатлантириш акциядорлик жамияти фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

9. Белгилансинки, кузатувчи кенгашлар аъзоларининг фаолиятини уларнинг мазкур акциядорлик жамиятларидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низомни қайта кўриб чиқсин.

10. Акциядорлик жамиятлари учун раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби таркибида Корпоратив бошқарув маркази ташкил қилинсин ҳамда унинг зиммасига кузатув кенгашларининг аъзолари ва директорлар корпуси учун корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот, самарали менежмент бўйича ўқув курсларини ташкил этиш вазифалари юклансин.

11. "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1740-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 24 январь.

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

---

Фармон ва ижро

## Бағрикенглик

*Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган мустақил давлатимизда демократиянинг умуминсоний тамойиллари устуворлигининг яна бир ўзига хос намойиши, бағрикенглик ва адолатнинг юксак ифодаси бўлди.*

Тошкент шаҳрида жойлашган аёллар колониясида тегишли органлар томонидан мазкур Фармон ижроси бекаму кўст бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳужжатга биноан ҳибсхонадаги кўплаб аёллар озод этилиб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтаётир.

Фармонда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор берилган. Зеро, аёл ҳар бир оилада хонадон чироғи ҳисобланади. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етишига кўп гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг қайта жиноят йўлига кириши камдан-кам учрайди.

Ўтган давр мобайнида Фармон татбиқ этилиши мумкин бўлган юзлаб маҳкумалар озод этилди. Бу жараён давом этмоқда.

*Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА.*

---

## РЕСПУБЛИКА КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

*Миллий матбуот марказида ҳинд халқининг миллий байрами — Республика кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

Унинг иштирокчилари Ҳиндистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлар ҳақида гапиришди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон муносабатлари яқин дўстлик, ўзаро ишонч ва кўп томонлама ҳамкорлик ришталари билан боғланган. Бу ҳамкорлик савдо, инвестициялар, таълим, фуқаролик авиацияси, илм-фан ва технология, телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларни ўз ичига олувчи 35 дан зиёд битимлар, ўзаро тушуниш меморандуми, протоколлардан ташкил топган мустаҳкам заминга асосланган.

*Хуршида НАЗАРОВА.*

---

Тадбир

*Тошкент туманида зилзила содир бўлиши хавфи юзага келганда ҳамда содир бўлганда унинг оқибатларини бартараф этишда фавқулодда вазиятлар қуйи тизими бошқарув органлари ҳамда аҳолининг ҳаракатлари, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишлаб, қўмондонлик-қароргоҳ машқлари ўтказилди.*

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Унга туман ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, фуқаро муҳофазаси хизматлари, корхоналар, ташкилотлар, ўқув даргоҳлари, ширкатлар раҳбарлари, ҳудудий куч ва воситалар, тузилмалар, аҳолининг бир қисми жалб этилди.

Корхона ва ташкилотларда қутқарув ишлари бўйича амалий машқлар, ўқув даргоҳларида «Фуқаро муҳофазаси кунлари» ўтказилиб, «Фуқаро муҳофазаси» бурчаклари барпо этилди. Ишчи ва хизматчилар ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Умуман, туман бўйича ўтказилган машқлар қониқарли ташкил этилиб, қатнашчиларда етарли амалий кўникма ҳосил қилинди.

*Ўз мухбиримиз.*

---

## Мавзуга қайтиб

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг 2002 йил 11 декабрь сонларида мухбирнинг Иқтисодий тадқиқотлар маркази ходимлари билан суҳбати тарзида «Тошкент вилояти: республикада биринчи» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Марказнинг фикрига кўра мақолани босишга тайёрлаш жараёнида муаллиф томонидан ноаниқликларга йўл қўйилган. Марказ ҳамда газета таҳририятининг ушбу масалага ёндошувларида айрим номутаносибликлар мавжудлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси 2-қисмига мувофиқ муштарийларга қуйидагиларни маълум қиламиз.

1. Мақолада «Экономическое обозрение» журналининг 2002 йил 9-сонида босилган «Экономическое положение и инвестиционный потенциал регионов Узбекистана в 2001 году» мақоласидаги айрим рақам ва далиллардан фойдаланилган. Бироқ, мақола муаллифи белгиланган тартиб-қоидага мувофиқ журналдаги мақолани манба сифатида кўрсатмаган.

2. Мақола мухбир томонидан қўйилган саволларга Марказ ходимларининг жавоблари тарзида тайёрланган. Аммо, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ходимлари интервью берганликларини инкор этадилар ва шу муносабат билан мақола матнига муаллифликларини тан олмайдилар.

3. Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва «Экономическое обозрение» журнали таҳририяти фақат журналнинг 2002 йил 9-сонида эълон қилинган ахборот учунгина жавоб беради.

*Иқтисодий тадқиқотлар маркази.*
*«Экономическое обозрение» журнали таҳририяти.*

---

## Дастлабки гуруҳ ҳаж сафарига жўнаб кетди

*Ислом динида иқтисодий жиҳатдан қодир ва соғлом мусулмонларга ҳаж қилиш фарз ҳисобланади.*

Бу йил мамлакатимиздан тўрт минг нафарга яқин юртдошимиз муборак ҳаж амалларини сидқидилдан адо этиш учун муқаддас зиёратга йўл олади. Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича барча чора-тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ташкил этилиб, бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилди.

Ҳаж сафарига отланган дастлабки бир гуруҳ ҳамюртларимиз эрта тонгда пойтахтимиздаги "Новза" масжидида тўпланишди. Бу ерда уларга зарур маълумотлар берилиб, ҳаж ибодатини амалга ошириш борасидаги тартиб-қоидалар яна бир бор тушунтирилди. Шундан сўнг улар Тошкент аэропортидан Саудия Арабистони подшоҳлигига жўнаб кетишди.

*Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.*

# ҚИТЪАЛАР ТУТАШГАН МАМЛАКАТ

Валенсия, Севилья, Сарагоса, Билбао каби шаҳарларда истиқомат қилади.

Давлат тузуми парламентли монархия ҳисобланган қироллик мухтор вилоятлардан ташкил топган. 17 вилоят ва 2 мухтор шаҳарнинг ҳар бири ўзининг парламенти, мустақил маъмурий бошқарувига эга.

Каталония – Испаниянинг иқтисодий тараққиёти жиҳатдан энг илғор вилояти саналади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизи шу вилоят ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Аммо маҳаллий аҳолининг фақат 6 фоизигина деҳқончилик билан банд. Даромад келтирувчи манбалар қаторида эса, биринчи навбатда, сайёҳлик тилга олинади. Денгиз соҳилида жойлашган Коста Брава, Коста Дорада каби ўнлаб сайёҳлик манзилларига йилига минглаб сайёҳ ташриф буюради. Каталонияни кўпчилик "Испания Швейцарияси" деб аташи бежиз эмас. Соҳил бўйидаги уч мингга яқин замонавий меҳмонхона йил давомида дам олувчилар билан гавжум бўлади.

Испания қироллиги билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатия муносабатлари расман 1992 йилнинг баҳорида ўрнатилган бўлса ҳам, халқларимиз орасидаги борди-келди олис мозийга бориб тақалади. Амир Темур билан Испания қиролининг тарихий ёзишмалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушбу мактубларнинг асл нусхалари дунёнинг энг машҳур кутубхоналарида қимматли бойлик сифатида сақланаётгани икки ҳукмдорнинг турли масалалар бўйича маслаҳатлашувлари жаҳон айвонидаги ўзгаришларга қанчалик таъсир кўрсатганидан далолатдир.

Испаниянинг машҳур тарихчиси Руи Гонсалес де Клавихо 1404 йили қирол топшириғига биноан Самарқандга элчи бўлиб келгани яхши маълум. У ўз ташрифи чоғида Соҳибқирон билан бир неча марта учрашган. Амир Темур шахсининг қанчалик улуғлигини, Самарқандда кўрганларини эсдаликларида ёзиб қолдирган. Темурийлар даври тарихини ўрганишда ҳозиргача Клавихонинг ана шу асарларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ривож топишига эса мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ катта эътибор берила бошланганини таъкидламоқ керак. Бу ҳамкорликнинг дебочаси сифатида икки мамлакат ишибилармонлари иштирокида "Медиз" қўшма корхонаси ташкил этилди. Мазкур қўшма корхонада Марказий Осиёда биринчи бўлиб бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарилди. Илгари бундай тиббий ашёлар валютага хориждан келтирилар эди.

Испаниянинг "Феберсанитас" фирмаси ҳамкорлигида Тошкентда иш юритаётган мазкур қўшма корхонанинг дастлабки маҳсулоти меҳрибонлик уйларига ҳадя этилганини айтиб ўтиш жоиз.

Корхона фаолият бошлаган даврда хомашё фақат Испаниядан келтирилган бўлса, ҳозир технологик жараён маҳаллий хомашёга мослаштирилган. Дастлаб йилига 100 миллион дона 2,5 ва 10 граммли шприц ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич янада ошган, маҳсулот тури ҳам кўпайган.

1995 йили Испаниянинг яна бир йирик фирмаси – "Индустриал Технологика Лайнтекс Ветерани С.А." Тошкентда ваколатхона очди. Шунингдек, айнан мана шу фирма Самарқанддаги тўқимачилик фабрикасига сармоя киритди.

"Бухоро вилоятида сув таъминотини яхшилаш" лойиҳасини амалга ошириш ҳақидаги ҳукумат қарорини ҳаётга татбиқ этишда ҳам испаниялик ишбилармонлар билан кенг ҳамкорлик қилинмоқда. Хусусан, вилоят "Сувоқава" бошқармаси Испаниянинг "Дегремон Медио Амбьенте С.А." компанияси билан сув насослари, тақсимлаш ва лаборатория-ўқув мосламалари етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик сирасига мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Испаниянинг Гранада ва Алкада де Энарес университетлари билан икки мамлакатнинг маданиятини, таълим тизимини ўрганишда қулайликка эришиш учун дарслик ҳамда турли адабиётлар айирбошлашга келишиб олган. Ана шу келишувга кўра, 1998 йили мамлакатимизда испан тили ва маданияти маркази ташкил қилинди.

Испания қитъаларни туташтирган мамлакат, дедик. Ўзбекистон эса асрлар давомида бутун дунёни қизиқтириб келган Марказий Осиё минтақасида ўз салоҳияти ва мавжуд имкониятлари жиҳатидан етакчи ўрин тутади. Демак, тенг шериклик асосидаги ҳамкорликдан ҳар икки томон бирдай манфаат кўради. Президент Ислом Каримовнинг Испанияга бошланаётган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.



*Озод РАЖАБОВ,*
*ЎзА шарҳловчиси.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ ГЕРМАНИЯДА

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Усмонов бошчилигидаги делегация Берлинда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари «Яшил ҳафта — 2003» савдо кўргазмасида иштирок этиб қайтди.*

Бу йилги кўргазмада дунёнинг эллик беш мамлакатидан бир ярим мингга яқин вакиллар ўзларининг қишлоқ хўжалик, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан қатнашдилар.

Ушбу нуфузли кўргазмада кўп марта иштирок этган мамлакатимиз вакиллари бу сафар германияликларга ўзбек заминида етиштирилган турфа хил ноз-неъмат ва қайта ишлаш саноатимиз намуналарини намойиш этдилар.

Мамлакатимиз павильонининг очилиши маросимида Германия истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги федерал вазири Р. Кюнаст ҳамда Берлин Обербургомистри К. Воверай бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутаётган Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масаласига ГФР алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Республикамизнинг «Яшил ҳафта — 2003» савдо кўргазмасида иштироки доирасида Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Унда ГФР парламенти аъзолари, сиёсий, ишбилармон доиралар, турли фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этдилар.

*Аслам АКБАРОВ,*
*«Жаҳон» АА, Берлин.*

# ҲАРАКАТ БОШЛАНДИ

*Ангрен Давлат иссиқлик электр станцияси жамоаси билан шаҳардаги 8-март маҳалласи аҳолиси ўртасидаги алоқалар узоқ йиллардан буён изчил давом этмоқда.*

Нурчилар маҳаллага оталиқ ёрдами кўрсатиб келишяпти. 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу ҳамкорликни янада кучайтириш назарда тутилмоқда. Икки ўртада йил давомида қилинадиган ишлар режалаштириб олинди. Унда маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ бўлган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ариқ-зовурларни тозалаш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиш бошланиб кетди.

*Ўз мухбиримиз.*

# ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

*Янгийўл шаҳар ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия ўз фаолиятини ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар дастури асосида ташкил этган.*

2005 йилгача мўлжалланган бу тадбирга кўра маҳаллаларда, ўқув юртларида «Ёшлар ва қонун», «Ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуларида учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда. Академик лицей, тиббиёт-технология коллежларида бўлиб ўтган тадбирларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармалари ходимлари қатнашдилар.

*Зуҳра ҲАЙДАРОВА.*

Истиқлол иншоотлари

# ЖАМБУЛЛИКЛАР МИННАТДОР

*Қишлоқ шифокорлик пунктлари бунёд этила бошланган дастлабки йилларда Юқоричирчиқнинг Жамбул қишлоғида ҳам ана шундай шифо маскани қуриб, фойдаланишга топширилди.*

Ҳозирга қадар ушбу тиббий пункт фаолияти даражаси, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошди. Жамбулликлар бугун ўз шифокорларидан миннатдор.

Бугунга келиб бу қишлоқ шифокорлик пункти беш мингдан зиёд аҳоли дардига малҳам бўлиб келмоқда.

— Шу билан бирга бу ерда 50 ўринга мўлжалланган кундузги даволаш бўлими ҳам ишламоқда, — дейди аёллар шифокори Балхия Шодурмонова. — Замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган тиббий масканимизда барча хасталикларга тўла ташҳис қўйиш имконияти мавжуд.

Ҳар йили жамбуллик аҳолининг 95 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилади. Айниқса, ёшлар бу ерда доимий назоратда. Ўтган йили ҳам бу борада самарали ишлар олиб борилди. 100 дан зиёд ўсмир қиз шифокор текширувидан ўтди.

Пунктда аёллар маслаҳатхонаси ҳам иш олиб бораётир.



***СУРАТДА:** аёллар шифокори Б. Шодурмонова ўсмир қизни кўрикдан ўтказмоқда.*

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

# ЧИҚИНДИДАН ЛАК-БЎЁҚЛАР

*Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари чигит ёғини тозалаш жараёнларини атрофлича ўрганиб, ҳосил бўладиган чиқиндилардан унумли фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқдилар.*

Чиқиндилар таркибидаги ёғ кислоталари аралашмасидан кир совун, олеиндан лак-бўёқлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигини аниқладилар. Бу хил хом ашё резина-техника буюмлари ишлаб чиқаришда ҳам қўл келади.

*Акбар АЛИЕВ.*

# ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАММАНИНГ ИШИ

*Қибрай тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.*

Унда сўзга чиққанлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашни янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида фикр юритдилар. Ҳуқуқ ва тартибот идоралари ходимларининг жиноятчиликка қарши курашнинг барча имкониятларини ишга солиш, профилактика ишларини бугунги кун талаби даражасига кўтариш вазифалари қўйилди.

*Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.*

# КОЛЛЕЖДА ШЕЪРХОНЛИК

*Бекобод туманидаги «Далварзин» маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.*

Кечада туман ҳудудида яшаб, ижод қилаётган шоирлар қатнашиб, ўз чиқишларида Ғафур Ғулом ижоди ҳақида, унинг ўлмас шеърияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтиш билан бирга буюк шоирнинг ижодий намуналаридан коллеж талабаларини баҳраманд этдилар. Шундан кейин бўлиб ўтган мушоирада Малик Эгам, Ғойиб Назар, Карим Мавлон, Файзулла Зиёдулло, Нурали Жалил сингари шоирлар қатнашишди.

*Ўз мухбиримиз.*



# Қишки Осиё ўйинлари: МЕЗБОН АМОРИ

*Шу йил 1-8 февраль кунлари Япониянинг Амори шаҳрида 2003 йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — V қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Тадбир ташкилотчиларининг айтишича, унда ўттизга яқин давлатдан 1200 нафар спортчи беллашади.*

Спортчиларимиз қишки Осиё ўйинларида 1996 йилдан буён қатнашмоқда. Хитойнинг Ҳарбин шаҳрида ташкил этилган мазкур ўйинларда ўн олти мамлакатдан келган 465 нафар спортчи совриндорлар сафидан жой олиш учун кураш олиб борди. Учинчи марта ташкил этилган қишки Осиё ўйинларида илк бор қатнашганига қарамай, Ўзбекистон терма жамоаси спортчилари совринли ўринларни эгаллади. Фигурали учиш бўйича Татьяна Малинина жаҳон чемпиони хитойлик Лу Чендан кейинги поғонани эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлди. Катта ишонч билдирилган Лина Черязова жароҳати туфайли ўзини кўрсата олмаган бўлса-да, фристайл бўйича бошқа спортчи – Сергей Бренер эркаклар ўртасида учинчи поғонага кўтарилди.

Мусобақа якунларига кўра, Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади. Қизиғи шундаки, "Ҳарбин-96"да ўн олти мамлакат вакиллари қатнашган бўлса-да, барча медалларни Хитой, Қозоғистон, Япония, Жанубий Корея ва Ўзбекистон спортчилари бўлишиб олди. 1999 йили Жанубий Кореянинг Канг-Вон шаҳрида ўтказилган IV қишки Осиё ўйинларида вакилларимиз сазовор бўлган медаллар салмоғи ортди. Фигурали учиш устаси Татьяна Малинина бу гал ҳеч кимга имконият қолдирмади ва олтин медални қўлга киритди. Эркаклар баҳсида эса Роман Скорняков кумуш медалга сазовор бўлди. Жуфтликлар беллашувида Наталья Понамарёва ва Евгений Свиридов учинчи ўринни эгаллади. Биттадан олтин, кумуш ва бронза медаль жамғарган ўзбекистонликлар умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан жой олди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, делегациямиз Аморида ўтказиладиган навбатдаги қишки Осиё ўйинларига 29 январь куни жўнаб кетади. Аморида тўрт спортчи – Артём Князев, Марина Аганина ва Анастасия Гимазеддинова фигурали учиш бўйича беллашса, Қайрат Эрметов тоғ чанғиси баҳсларида ўзини кўрсатиши керак.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

# ЭНДИ ЯРИМ ФИНАЛ



*Москвада футбол бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақаси ярим финали иштирокчилари маълум бўлди. Уларнинг орасида «Пахтакор» ҳам бор.*

Ўн биринчи бор ташкиллаштирилган ушбу анъанавий турнирнинг «С» гуруҳидан жой олган «Пахтакор» «Шахтёр» (Украина), «Каунас» (Литва) ва Озарбайжон ёшлар терма жамоасини ортда қолдириб, чорак финалга йўлланма олди ва Эстониянинг «Флора» клубига қарши майдонга тушди. Украиналик легионер Александр Крохмал еттинчи дақиқадаёқ «Пахтакор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Эстониялик чарм тўп усталари вазиятни тенглаштириш учун ҳарчанд уринмасин, тошкентликларнинг ҳимоясини ёриб ўтолмадилар.

Навбатдаги қулай вазиятларнинг бирида рақиб жарима майдончаси яқинида ўйин қоидаси бузилди ва жарима тўпи белгиланди. Миржалол Қосимовнинг ҳаволатиб узатган тўпини А. Крохмал боши билан дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни 2:0 га етказди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида ҳамюртларимиз яна ҳужумга зўр бердилар. 59-дақиқада Сервер Жепаров рақиблар посбони хатосидан фойдаланиб, «Флора» жамоаси дарвозасига учинчи тўпни йўллади.

Энди «Пахтакор» финалга чиқиш учун Латвиянинг «Сконто» жамоасига қарши ўйнайди. Агар тошкентликлар бу жамоани ҳам мағлуб этса, «Локоматив» (Москва) — «Шериф» (Молдава) жуфтлиги ғолиби билан чемпионлик учун курашади.

Тадбир

# АГРАР СОҲА ВА ҚОНУНЧИЛИК

*Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва бевосита қишлоқ хўжалигида банд бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётир.*

Шу мақсадда аграр соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Тошкент Давлат юридик институтида аграр қонунчилик муаммоларига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида шу ҳақда гап борди. Унда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари вакиллари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари қўмитаси раиси И.Қаландаровнинг "Қишлоқ хўжалиги қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари", Олий Мажлис депутати Й. Жўраевнинг "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хусусий мулк шаклланишининг ҳуқуқий масалалари", Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Ш.Рўзиназаровнинг "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи билан харид қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги шартномаларни такомиллаштириш муаммолари", Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари А.Жўраевнинг "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш масалалари" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.**

# ДЎСТЛИК ИФОДАСИ

*Тошкентда Лаъл Баҳодир Шастри номли умумтаълим мактаби бор. У ҳинд тилига ихтисослашган бўлиб, ўзбекистонлик ўғил-қизлар билим оладилар. Бу том маънода ҳинд халқига бўлган ҳурмат рамзи дейиш мумкин.*

Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда ушбу мактабда ўтказилган тадбир яна бир бор халқларимизни бир-бирига яқинлаштирди.

Кеча Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатларининг бугунги куни, икки халқ маданияти, урф-одатлари билан янада яқинроқ танишиш мақсадида ташкил этилди. Унда таниқли олимлар, фан ва маданият арбоблари иштирок этишди.

Машҳур ҳинд олими, Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири, профессор Сухаш Чакрабати тадбирда сўзга чиқиб, икки юрт, икки халқ ўртасидаги дўстона алоқалар, уларнинг давлат сиёсати, конституцияси ва ўртадаги ўхшашликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети профессори Ғолиба Шоюсупова бугунги ёшларнинг маънавий-маърифий қарашлари, уларнинг юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида нималар қилишлари мумкинлиги ҳақида гапирди.

Тадбир ниҳоясида Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданият маркази раҳбари Жозеф Лабо мактаб ўқувчиларига ҳинд тилида чоп этилган ўқув қўлланмалари ва журналларни совға қилди.

**Саодат НАЖИМОВА,**
**Фахриддин НАЖИМОВ,**
**ЎзМУ магистрантлари.**

Табобат

# ЎН МИЛЛИОН СЎМЛИК ЁРДАМ

*«ЭКОСАН» халқаро жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган учрашув грипп ва бошқа ўткир вирусли касалликлар тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишда жамоатчилик ва тиббиёт ходимларининг роли мавзусига бағишланди.*

Учрашувда тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва вакиллари, «Экосан» жамғармаси фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Грипп ва бошқа юқумли касалликларнинг тарқалишига қарши курашнинг асосий йўналишлари белгиланиб, унда кенг жамоатчилик ва тиббиёт ходимларининг иштироки ҳақида тавсиялар ишлаб чиқилди. «Экосан – маҳаллада» дастурига биноан жамоатчилик орасида ташвиқот-тушунтириш ишларини олиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Тадбир якунида Тошкент шаҳрининг юздан зиёд тиббиёт муассасаларига грипп ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олишда кенг қўлланилувчи, умумий қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ бўлган дезинфекциялаш воситалари топширилди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

Табобат

# УЗОҚ УМР КЎРИШ ОМИЛЛАРИ

*Умрнинг узайиши, соғлиқ кўп жиҳатларга боғлиқ. Жисмонан фаол кишилар узоқ умр кўришади. Ҳар қандай шароитда инсон ўз руҳий ҳолатини бошқара олиши, доим ҳаракатда бўлиши шарт.*



Умрнинг қисқариш сабабларидан бири касаллик асоратларидир. Соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, камҳаракатлик, кўп овқат ейиш ёки нотўғри овқатланиш, чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш, қаттиқ ҳаяжонланиш, атроф муҳитнинг бузилиши турли касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардир.

Юмушларни электрлаштириш ва механизациялаштириш, транспортдан фойдаланиш, кўпроқ ақлий меҳнат билан бандлик, кам ҳаракатлик бу ҳолатни кучайтириши кузатилаётир.

Жисмоний фаоллик — узоқ умр гарови. Ҳаракатчанлик туфайли моддалар алмашувида қатнашувчи ферментлар фаоллиги кучаяди, жисмимизга кўп кислород сингади. Натижада ёғлар, углевод ва оксидлар тўлиқ парчаланиб, ўпкада ҳаво алмашуви, кислороднинг қабул қилиниши кучаяди. Юрак, мия, мушаклар, умуман, бутун тананинг кислородга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

Камҳаракатлик туфайли парчаланишга эҳтиёжи бўлмаган ёғ ва углеводлар тери остига, юрак, жигар, буйрак, ичак атрофида заҳира ҳолида йиғила бошлайди. Ортиқча вазн пайдо бўлади. Семириш нафақат ташқи кўриниш хунуклашишига, балки танадаги аъзолар фаолияти ҳам қийинлашишига олиб келади. Юрак-қон томир, жигар хасталиклари пайдо бўла бошлайди.

Зарарли одатлардан бири — тамаки чекиш. Унинг тутуни таркибида зарарли никотин бўлиб, у юрак фаолиятига таъсир этиб, тез уришига, артериал босимнинг ошишига олиб келади. Олимлар ўтказган тадқиқотлар натижасида никотиннинг 1-2 томчиси итни, 7-8 томчиси отни ўлдириши аниқланган. Одам ҳалокати учун унинг 1-2 томчиси кифоя қилади.

Кўп ҳолларда одамлар иштаҳа очиш, тезроқ ухлаш ёки кайфиятни кўтариш учун спиртли ичимликлар истеъмол қилишади. Бу одат тусига кириб, алкоголизм дардини келтириб чиқаради. Ички аъзолар спирт таъсирида заҳарланади. Одам ақлан ва жисмонан заифлашиб боради. Ҳаракатида аниқликни, гап-сўзида мулоҳазани йўқотади.

Кекса ва тўла одамлар суткасига 50 граммдан ортиқ қанд еманганлар мақсадга мувофиқдир. Ёғга бўлган суткали эҳтиёж 100 грамм. Шундан 35-50 граммини ўсимлик ёғи ташкил этиши керак.

**Саида ЮНУСОВА,**
**«Саломатлик» институти Тошкент вилояти филиали мутахассиси.**







Аргентина:

## ҚАРЗ ЗАҲИРАДАН ТЎЛАНДИ

Аргентина Жаҳон банки ва Америкааро тараққиёт банкига қарзини қайтарди. 726 ва 682 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағлар мамлакат заҳирасидан олинди. Аргентина ҳукумати Халқаро валюта жамғармаси билан тузган шартномага мувофиқ, қарзларини қайтаргач, ХВЖ ёрдамидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Энди аргентиналиклар ХВЖнинг навбатдаги молиявий кўмагига кўз тикиб турибди.

Иқтисодиёт вазири Роберто Лаваньянинг гапига кўра, шу кунларда мамлакат марказий банки фаолияти издан чиқиши мумкин. Қарз қайтарилиши туфайли миллий валюта – песонинг қадрсизланиши эҳтимол тутилмоқда.

Мексика:

## ЗИЛЗИЛАДАН ТАЛОФАТ

Мексикада юз берган зилзила оқибатида, дастлабки маълумотларга қараганда, 20 киши ҳалок бўлди. Кучи Рихтер ўлчови бўйича 7,6 баллга тенг бўлган силкиниш, айниқса, мамлакатнинг Колима ва Халиско штатларига катта зарар келтирди. Ҳаётдан кўз юмганлар ҳам ана шу штатлар фуқаролари эди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари ушбу штатлардаги айрим автомобил йўллари ва кўприклар вақтинча ёпиб қўйилгани ҳақида хабар бермоқда. Зилзила йирик автотрассаларни боғлаб турувчи кўприкларга зиён етказган бўлиши мумкин. Силкиниш пайтида саросимага тушган миллионлаб одамлар уй-жойини ташлаб кўчага чиққан. Лекин тартибсизликлар рўй бергани йўқ.

Ҳиндистон:

## ДАВЛАТ РАМЗЛАРИГА ҲУРМАТ

Ҳиндистонда давлат мадҳияси ва байроғига ҳурматсизлик қилганлар қаттиқ жазоланадиган бўлди. Бош вазир Атал Биҳари Важпаи бошқарган ҳукумат йиғилишида шундай қарорга келинди.

Тегишли қонунларга ўзгартиш киритилгандан кейин давлат мадҳиясини ижро этиш ёки байроқ кўтариш маросимини бузган фуқаролар уч йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилинади.

Хитой:

## БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ ПОРТЛАШ



Хитойнинг Линли шаҳрида фаолият кўрсатадиган фабрикалардан бирида юз берган портлаш натижасида етти киши ҳалок бўлди, ўнлаб ишчилар жароҳатланди. Маълум бўлишича, бу ерда пиротехника воситалари ишлаб чиқарилган.

Фожиа хитойча тақвим билан янги йил кириб келиши арафасида содир бўлгани кўпчиликни ташвишга солмоқда. Чунки ой тақвими бўйича бу йил 1 февралда нишонланадиган байрам кечаси аҳолининг аксар қисми пиротехника воситаларидан фойдаланади.

# ДАВОС – ПОРТУ-АЛЕГРИ: ЗИДДИЯТЛАР МУЛОҚОТИ

*23 январь куни Швейцариянинг Давос шаҳрида Жаҳон иқтисодий форуми очилди. 33-бор ўтказилаётган форумда қатнашиш учун дунёнинг 99 мамлакатидан вакиллар ташриф буюрган. Икки мингдан ортиқ иқтисодчи, тадбиркор ва банкирлар Давосда меҳмон бўлиб турибди.*

«Глобаллашув пойтахти» деб ном олган Давосдаги Жаҳон иқтисодий форумининг бу галги йиғилишида жуда қатъий хавфсизлик чоралари кўрилган. Мазкур баҳаво маскан жойлашган Граубюнден кантони (вилояти) осмонини туну кун ҳарбий самолётлар назорат қилиб турибди. Форум иштирокчиларига нисбатан террорчилик ҳаракатлари амалга оширилиши мумкинлигидан чўчиган Швейцария ҳукумати вакиллари йиғилиш давомида Давос осмонига берухсат яқинлашишга ҳаракат қилган ҳар қандай учиш мосламаси уриб туширилиши мумкинлигини маълум қилган. Бундан ташқари, мамлакат чегараларида ҳам хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Форумнинг тинч ўтишини таъминлаш учун полиция вакиллари билан бир қаторда, бир ярим мингдан ортиқ ҳарбий жалб этилган.

Ўттиз учинчи бор ўтказилаётган форумда йигирмадан ортиқ мамлакат раҳбарлари, жаҳоннинг энг кўзга кўринган иқтисодчиларию сиёсатчилари, дунёдаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашмоқда.

Дунёдаги энг нуфузли тузилмалардан бири бўлган форумнинг бу сафарги йиғилиши мамлакатлар орасида бир-бирига нисбатан ишончни шакллантириш ва мустаҳкамлаш мавзуига бағишланган. Форум иштирокчилари учрашув аҳамияти ҳақида гапириб, катта-кичик террорчилик ҳаракатлари, молиявий инқирозлар юз бериб турган, баъзи минтақалардаги иқтисодий-сиёсий вазият издан чиққан, жаҳон иқтисодиёти танг аҳволда турган шароитда бу йиғилиш жаҳон иқтисодиёти йўлбошчиларининг бошини қовуштириш учун хизмат қилишига умид билдирди.

Кузатувчиларнинг айтишича, Давос учрашувларида Ироқдаги вазият барчанинг диққат марказида бўлиши табиий. Форумда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл йиғилганларга Оқ уйнинг мазкур муаммога муносабатини баён этиши кутилмоқда.

28 январга қадар давом этувчи форумда икки юздан ортиқ мажлис ўтказилади. Бу учрашувлар чоғида турли иқтисодий-сиёсий, ижтимоий масалалар юзасидан фикр алмашилади. Шу ўринда мазкур форум Ғарб мамлакатлари билан ислом дунёси ўртасида бевосита мулоқотни йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурганини ҳам айтиш жоиз. Бу мақсадда форум «100 йўлбошчи кенгаши»ни таъсис этишни таклиф қилмоқда. Унга икки томоннинг энг нуфузли арбоблари, давлатлар раҳбарлари, диний йўлбошчилар, сиёсатчи ва иқтисодчилар кириши ҳамда Ғарб мамлакатлари билан ислом дунёси ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш юзасидаги ишларни амалга оширишда бош-қош бўлиши кутилмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти йўлбошчилари Давосда ҳозирги куннинг долзарб муаммоларини муҳокама қилаётган бир пайтда глобаллашувга қарши бўлганлар дунёнинг нариги бурчагида - Бразилиянинг Порту-Алегри шаҳрида йиғилди. Тўғри, бу ердаги учрашувларни Давос форуми билан тенглаштириб бўлмайди. Лекин бу ерга келганлар ўзларининг баъзи ҳамфикрларига ўхшаб ур-йиқитни эмас, балки тинч мулоқот йўлини танлаганининг ўзи ҳам уларга эътибор қаратиш учун асос бўлади.

Глобаллашув тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар секин-аста бир жойга йиғилиб, мулоқот қила бошлагани ижобий ҳол албатта. Балки мана шу учрашувлар келажакда глобаллашув, деб аталмиш турли шов-шувлар, баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, дунёни икки қисмга бўлиб юбораётган бу жараённи қайтадан идрок этиш, томонларнинг тинч мулоқотини йўлга қўйиш учун туртки бўлар.

**Бобур СОБИРОВ,**
***ЎзА шарҳловчиси.***


Италия. Пиза шаҳри.

Турфа олам

## ЯНА БЕШТА ТУҒИЛАДИ

Ассошиейтед Пресс ахборот агентлигининг маълум қилишича, клонлаш натижасида учинчи чақалоқ дунёга келди. Қизчанинг ота-онаси япониялик. Бу ҳақда агентликка Clonaid компанияси мутасаддилари хабар берди.

Илк клонланган гўдакнинг қаердалиги эса номаълумлигича қолмоқда. Айни кунларда мазкур иш юзасидан суд бўляпти. Компания вакилининг таъкидлашича, 2002 йил 26 декабрь ва жорий йилнинг 3 январь кунлари клонлаш натижасида туғилган қизчалар соғ-саломат.

Суд аъзоларининг кескин норозиликларига қарамай, компания вакили тўлароқ маълумот беришдан бош тортмоқда. У февралда яна бешта клонланган чақалоқ туғилишини эълон қилди, холос.



## АЖАЛИ ЕТМАГАН ЭКАН



Ажали етмаган қирқ йил қирғинда ҳам омон қолади, деганлари рост экан. Бу иборанинг тўғрилигига америкалик 18 ёшли Маркос Парранинг бошига тушган ташвиш яққол мисол бўла олади.

Яқинда АҚШнинг Аризона штатига қарашли Феникс шаҳридаги Бэрроу неврология институти шифокорлари тиббиётда ҳали учрамаган ноёб жарроҳлик операциясини амалга оширди.

Жарроҳлар автомобил ҳалокатига учраган ҳайдовчининг узилиб кетган бошини танасига қайта тикди. Маркос Парра шифокорлар тиғи остидан соғ-омон чиқиб, ҳозир баскетбол ўйнашни машқ қилмоқда.

Қаттиқ зарбдан Маркоснинг бўйин териси узилиб кетганди. Аммо, артерия қон томирлари қаттиқ зарбага бардош берибди. Бош мия лат еган бўлса-да, орқа миядан узилиб кетмаган экан. Шунингдек, нерв толаларнинг бутунлиги ҳам шифокорларга қўл келди.

Тиббиёт соҳасида мўъжизалар тез-тез учраб туради. Лекин бунақаси ҳали бўлмаган эди. Шу жиҳатдан ҳам Маркоснинг омон қолиши жарроҳлик тажрибасида ноёб воқеа сифатида қаралмоқда.

## АКРОБАТ БУРГАЛАР

Бурга жуда оддий ҳашаротга ўхшайди. Лекин, уларнинг қўлга жуда яхши ўрганиши ҳам азалдан маълум. Ўрта аср зиндонларида тутқунликда ётганлар бургаларни турли, анча мураккаб фокусларга ўргатишган. Ҳатто монархлар ва олий табақа аёллари бургалар билан турли ўйинлар қилиш билан шуғулланишган. Масалан, швед қироличаси Христина улар билан жанглар қилган, ниҳоятда мўъжаз тўплардан бургаларга қарши, худди душман аскарларига каби ўт очган. Бу тўп Стокгольм аслаҳахонасида ҳамон сақланмоқда.

Бургалар цирки янада машҳур бўлган. Ўтган аср бошларида Реймунд Отава деган кимса ўзининг бургалар цирки билан оғизга тушган. У ярмаркаларда, карвонсаройларда, шоҳлар ва императорлар ҳузурида бургалар циркини намойиш этган. Унинг циркида бу жажжи жониворлар ниҳоятда нозик олтин иплари билан кичкина аравачани тортишган, чалқанча тушиб, бузила бутаси меваси ичидаги уруғдан ясалган «коптоқ»ларни юқорига итқитишган. Зар қоғоздан тайёрланган турли рангдаги юбкалар кийиб, мусиқа остида рақсга тушишган, сакрашган, бошқа ҳунарлар ҳам кўрсатишган.



Турфа олам

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

## Давра суҳбати

# СОҒЛОМ АВЛОД МАВЗУИДА

*Чирчиқ шаҳри репродуктив «Саломатлик» маркази ходимлари «Она саломатлиги — келажагимиз пойдевори» мавзуида туғиш ёшидаги етмишдан ортиқ аёл билан давра суҳбати ўтказди.*



Унда фарзанд кўриш арафасидаги аёлларни соғломлаштириш, оилани режалаштириш ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

# XXI АСР ВАБОСИ

*ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида Янгийўл шаҳридаги кўнгиллилар ресурс маркази бир қатор ишларни амалга ошираётир.*

AIDS

Марказ аъзолари билан бирга мутасадди ташкилот вакиллари 4-ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари ўртасида «ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Тадбирда қатнашган ўқувчи-ёшлар ўзлари қизиққан саволларга жавоб олдилар. Барча қатнашчиларга шу мавзуга оид қўлланмалар тарқатилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## 2003 йил — Обод маҳалла йили

# АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ

*«Обод маҳалла йили» муносабати билан жойларда ташкилий ишлар қизғин олиб борилмоқда. Жумладан, Чирчиқда шаҳар ҳокими ва мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳар ҳафтанинг жума куни маҳалла қўмиталарида аҳоли билан учрашув-мулоқотлар ўтказмоқда.*

Уларда маҳаллаларда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ўрганилиб, амалий чоралар кўриляпти. Ечимини кутаётган ижтимоий-маданий ва бошқа муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш ҳокимлик томонидан қаттиқ назорат қилинаётир. Гузарларни янада ободонлаштириш, маиший хизмат ва савдо-сотиқ дўконларини барпо этиш борасида ҳам аҳоли билан маслаҳатлашиб, амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ана шундай учрашув-мулоқотлар «Иқбол» ва «Гулзор» маҳаллаларида бўлиб ўтди.

## Маънавият сабоқлари

# ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

Ота-онанинг дуосида ҳикмат кўп. Ишга кетишда ҳам, қайтишда ҳам ота-онамнинг олдига кириб, соғу саломатлигимни билдириб, дуоларини юзимга суртиб, ҳол-аҳволларини сўрашни ёшлигимдан одат қилганман.

Одатдагидек бугун ҳам ҳол-аҳвол сўрадим. Билдимки, отамнинг кайфияти йўқроқ. Укаларимдан бировининг қилган ишидан норози бўлгандир-да, деган ўйда бўлсам ҳам, «Мазангиз йўқми?» деб сўрадим. Отам тўлиб турган эканми, бирдан юрагидагини тўкиб солди.

— Сен ҳозир ўтирган уйни солганимда, Юсуфали деган монтёрни олиб келиб электр симларини ўтказганман. Бечора икки кун овора бўлиб, ҳамма ишни битирган. Унинг қўлига топган пулимни берсам, «мен пул учун қилганим йўқ» деб жеркиб берган. Ўшанда у 100 ёшга яқинлашган онамнинг олдиларига кириб, «Эна, болачақамнинг ҳақига бир дуо қилиб қўйинг» деб бир пиёла чой ҳам ичмай кетиб қолган.

Мен ҳайрон ўтирибман. Бу воқеани салкам ўттиз йилдан кейин нима учун эслаш керак бўлиб қолди.

— Эрталаб ўрнимдан туриб, ҳовлига чиқсам, симёғочдан келиб уйга уланган симдан учқун чиқиб ётибди. Бирон фалокатни бошламасин деб, укангни фалончи монтёрга (баъзи бир сабабларга кўра исмини ёзмай қўяқолдим) жўнатдим. Нақ икки соат деганда, зўрға келди. Нарвонни қўйиб, беш минутга ҳам қолмай ишни битирди. «Қўлинг ҳеч дард кўрмасин, бола-чақангнинг орзу-ҳавасини кўр», деб дуо қилдим. Бир пиёла чойга таклиф қилдим. Кирди, едиичди, ҳеч кетайин демайди. Охири сабрим чидамай, «болам, қилган ишингга рози бўл, уйингдагилар хавотир олмасин», деб узоқдан гап қилдим.

— Иш ҳақи нима бўлади, ота, — деди у ўрнидан турмай.

Тушундимки, у пул сўраяпти. Жаҳлимни рўмолчамга тугиб, ён чўнтагимдан беш юз сўм олиб унга узатдим.

— Минг сўм бўлади, — деди у юзимга қарамай. – Шунда қарилигимга бориб, «Ўғлим, дуо қилдим, унинг нархи минг сўмдан ҳам кўп» дебман. «Дуо билан бола-чақани боқиб бўлмайди» деганидан кейин, шартта қўлига минг сўмни бериб, олдимга солиб қувдим. Э, нима бўлаяпти, ўзи болам. Бу ёшлар қаёққа қараб кетаяпти. Нима, қорин дарди деб, иззат-ҳурматни, меҳр-оқибатни, тиллога ҳам топилмас дуонинг қадрини ерга уришаверадими?.. Ё тавба... умринг узоқ



бўлгур, дуо билан тирикмиз ахир ҳаммамиз.

Мен индамай қўяқолдим.

Дарҳақиқат, нима бўляпти ўзи? Одамларимизда меҳр-оқибат пулга айланиб кетдими, дейман? Ёдимга бир ривоят тушди...

Бир одам ўғлига бир халта дон бериб, бозорга юборди. Йўлда бир мўйсафид чол дуч келиб, унинг бозорга олиб бораётган нарсаси билан қизиқди. Унга бир ҳовуч дуо эвазига донини беришини сўради. Ўғилга бу таклиф ёқиб, донни унга кўш қўллаб топшириб-ю, орқасига қайтди. Ота эса, бундан қаттиқ ғазабланиб, ўғлини коййиди ва иккинчи сафар ҳам бир халта дон бериб, уни бозорга юборди. Аввалги ҳол яна такрорланди. Жаҳли чиққан ота бу сафар доннинг қолганини олиб ўзи бозорга отланди. Йўлда ўғлига дуч келган мўйсафид яна рўбарў бўлди ва унга ҳам шу таклифни билдирди. Чолнинг юзидаги бир нур отани ҳам бу таклифга кўнишга мажбур қилди. Ночор уйга қайтган ота оила аъзолари билан дастурхон атрофида ўтирар экан, саватдаги энг сўнгги тўғрам нонни ушатиб, ҳаммага тенг бўлди. Бир тишламдан теккан нонни оғизларига солган оила аъзолари унинг тощдек қаттиқлигидан дастурхонга қайтариб қўйдилар. Шунда бир мўъжиза рўй берди. Бўлакларга бўлинган нон ушоқлари тиллога айланиб қолган эди. Ота уларнинг бир бўлагини заргарга сотиб, рўзғор камчиликларини ўн баробар зиёда қилиб бутлаб олган экан.

Бу энди бир афсона гап. Лекин, дуонинг кучини кўрсатадиган мисол. Дуо олган одам ҳеч кам бўлмайди, топган молу дунёсига барака киритиб юрган инсонларнинг бари дуонинг этагидан ушлаб юрган кишилардир, десам менга қўшиларсиз.

Эски қадрдонларимдан бири — 80 ёшли Тўхтасин бува биз томонларга йўли тушиб қолса, бирров кириб, дуо қилади. Кетар чоғида эса, «ўғлим, мени ҳам бир дуо қилиб қўйинг» дейди. Менга бу сўз эриш туюлади. Қийналаётганимни кўриб, «дуо ҳамиша керак, унинг кучи ёшга қараб белгиланмайди, ўғлим, дуо қилинг», дейди. Мен ноилож...

Хуллас, бир воқеа сабаб кўнглимдаги гапларни қоғозга туширдим. Ҳаммамизни яхшиларнинг дуоси қўлласин, юртимиз тинч бўлсин!

**Ҳамид НОРҚУЛ.**

## Бекажон

# ОДДИЙ БИСКВИТ



50 г эритилган маргаринга 1 стакан сметана, 0,5 чой қошиқ истеъмол содаси, 3 дона тухум билан кўпчитилиб, 1,5 стакан ун ва 1 ош қошиқ ўсимлик мойи, бир чимдим ванилин қўшилиб, суюқ масса тайёрланади. Товага ёки махсус қолипга ёғ суртиб, нон толқони сепилади-да, тайёрланган суюқ хамирни солиб, 40-45 дақиқа давомида духовкада пиширилади. Бундай бисквитга крем суртиб, устини хоҳлаганча безатиб, турли тортлар ёки хамирга майдаланган ёнғоқ ва майиз қўшиб, мазали бисквитли пироглар тайёрлаш мумкин.

**Наргиза ҚУРБОНОВА.**

## Биласизми?

Сайёрамизда «қовун дарахти» ҳам бор экан. Бу жуда тез ўсадиган тропик ўсимлик ҳисобланиб, 60 метр баландликкача ўсади. Мевасининг оғирлиги эса, 2 килограммгача тош босади. Ташқи кўриниши ва ички тузилиши худди қовунни эслатади. XVI асрда қовун дарахти Панамадан шарққа олиб келинган. Ҳозир эса, Марказий Америка, Ҳиндистон ва Австралияда ўстирилади.

* * *

Бундан 15-18 минг йил аввал Шарқий Ўрта Ер денгизи ва Осиёда яшовчи шахслар ўзлари билмаган ҳолда биринчи «селекционер»лар бўлишган. Яъни улар ёввойи ҳолда ўсувчи буғдой навларининг энг яхшиларини йиғишган экан.

* * *

Хитойда бундан беш минг йил аввал буғдой сепиш байрамига император ҳам қатнашиб, эгатларга уруғ ташлаган экан.

## Халқ табобати

# ЗИҒИР

Бронхлар, ўпканинг яллиғланиш касалликларида уруғи балғам кўчиришда, йўталга қарши ва сурункали колитларда сурги сифатида ишлатилади. Уруғидан тайёрланган қайнатмани циститлар, қовуқ тошларини эритишда, зиғир мойини эса, холециститлар, колитлар, бавосил ва сил касаллигида буюрилади. Радикулитлар, миозитлар, артритларда қуруқ зиғир уруғини қиздириб, компресс қилиб қўйиш тавсия этилади.

Ибн Сино йўтал, сийдик йўлларининг ярали касалликларида зиғир уруғини қовуриб ейишни буюрган. Тинкани қуритадиган йўтал, ичак оғриқлари вақтида қовурилган зиғир уруғлари яхши наф беради.

Замонавий табобатда зиғир уруғларидан шилимшиқ модда, зиғир мойи ва линетол деган препарат олинади. Зиғир мойи склерозга қарши, шунингдек, сургида ишлатилади. Линетол бадан терисининг куйган жойлари ва бошқа яраларга суртилади.

**Тайёрлаш усуллари:** 1. Қандли диабет ва қовуқ яллиғланишида зиғир уруғи, ловия қузоқлари (донларисиз), черника барглари ва сули тўпонидан тенг миқдорда олиб тайёрланган қайнатмани, яъни, 3 ош қошиқ миқдоридаги шу аралашма устига 3 стакан совуқ сув қуйиб, 10 минут қайнатилади, кейин дамлаб қўйиб, 1\7 стакандан кунига 3 маҳал ичилади. 2. Бир ош қошиқ зиғир уруғи устига 800 миллилитр қайноқ сув қуйиб қўйилади (кечқурун термосга). Эртасига шу дамламани учга бўлиб, овқатдан 20 дақиқа илгари ичилади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ — ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10. 136-53-80.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Д-49. Адади 10003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00. 1 2 3 4 5 6